Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 30 июнь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 52 (7145)

Da`vat

Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз — жамиятимиз аъзоларини, авваламбор вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Тошкент вилояти Қибрай тумани маҳаллий тадбиркорлари туманнинг «Байтқўрғон» ширкатлар уюшмасида жойлашган болалар боғчасини таъмирлаб беришга киришдилар.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаётган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштиришни такомиллаштириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилигини яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

• Тошкентда «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, НАТОнинг фавқулодда вазиятларда режалаштириш дирекцияси Европадаги бирлашган кучлар бош штаби ва фуқаро-ҳарбий ҳамкорлик секцияси билан биргаликда фуқаро ҳарбий ҳамкорлиги бўйича НАТОнинг минтақавий курслари очилди.

• Кения давлати шимолида ибтидоий давр одамидан қолган меҳнат қуроллари топилди, археологларнинг тахминича, улар 2,3 миллион йил аввал ишлатилган.

• Руминиянинг шимолий қисмида кучли ёғингарчилик оқибатида дарёлар тошиб, қарийб 2000 та молбоқарлик фермаси, турар жойлар сув остида қолди.

• Шу йил кузида Хитой олий ўқув юртларига жами 1,53 миллион абитуриент қабул қилинади, бу ўтган йилдагига нисбатан 42 фоиз кўп демакдир.

• Колумбияда ҳукумат кучлари билан мухолифат ўртасидаги қуролли тўқнашувлар натижасида 35 нафар аскар ва 30 нафар кўзғолончи қурбон бўлди.

Ўқитувчининг вазифаси — бўлмаганни бўлдириш
2-бет

8 йил



ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Бизга миллий кадрлар тайёрлашнинг махсус дастури керак.

Ислом Каримов ("Ўқитувчилар газетаси", 4 август 1990 йил).

* * *

1997 йил 29 август. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинди.

Faxr

ЎЗБЕК ЙИГИТИ ИТАЛИЯДА

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бери Ўзбекистонимизнинг кўплаб бошқа хорижий давлатлар, хусусан, Италия Республикаси билан ҳам муносабатлари ривожланиб, янада дўстона тус олмоқда, ўзаро тенг ва икки томонлама манфаатли алоқалар йўлга қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта - махсус таълим вазирлиги ҳамда Италия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан юртимиздаги баъзи университетларда итальян тили ўқитила бошланди. Бу ишнинг янада самаралироқ бўлишига ҳисса қўшиш учун Италия элчихонаси итальян тилини ўрганаётган талабалар ўртасида танлов ўтказиб, ғолибларни грантлар билан тақдирлади. Мана шундай грантни қўлга киритган иқтидорли талабаларимиздан бири мингбулоқлик Акромжон Иўлдошевдир.

— Шу йилнинг 1 августида пойтахтимиздаги Италия элчихонаси ходимлари томонидан ўтказилган танловда бир қанча ўзбекистонлик талабалар қатнашиб, ўзларининг итальян тили ва шу мамлакатга оид билимларини намойиш қилдилар, — деди Акромжон. — Бу борада энг яхши натижа кўрсата олган қатнашчилар Италия ташқи ишлар вазирлигининг гранти билан тақдирландилар.

Улар Италияга бориб, у ердаги илмгоҳлардан бирида, бепул, дунёнинг турли ҳудудларидан келган талабалар билан бирга итальян тили ва маданиятини икки ойлик курсларда ўқиб-ўрганиб қайтадилар.

Шахсан мен, Перужа Университети тилшунослик бўлимининг икки ойлик курсларида ўқиб келаман.

Аввало, Ўзбекистонни италиялик ва бошқа хорижлик тенгдошларимга танитишда баҳоли қудрат ҳисса қўшишни, улардан дўстлар орттириш, қайтиб келгач эса, Ватанимиздаги олий ўқув юртларидан бирида итальян тилидан дарс беришни, давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтиришда ўз ўрнимни топишни ният қилганман.

Ш.ЕТМИШЕВ суҳбатлашди

Ўқитувчи ён дафтарига

ТАЖРИБА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Америкалик бир гуруҳ олимлар мева-сабзавотларнинг пишиш жараёни муаммолари устида иш олиб бормоқдалар. Айни дамда олимлар янги помидор турини яратиб, унда ҳосилнинг пишишида асосий роль ўйновчи модда ривожини тўхтатиб қўйишга эришдилар. Агар тажриба ижобий натижа берса, мева-сабзавотларнинг пишиш жараёнини исталган муддатга кечиктириш имкони яралиши мумкин.

ГУЛНИ ГУЛ ДЕРМУ КИШИ...

Гулнинг тикони бўлмаса... Италиялик гулчи Доменико Мансуино эса, уч йил давомида тинимсиз изланиш олиб борди. Ва алалоқибатда, тикансиз атиргул етиштиришга муваффақ бўлди. Янги нав атиргул Италиянинг Пеша шаҳрида бўлиб ўтган гулчилик ва ўсимликшунослик кўргазмасида намойиш этилиб, катта шовшувга сабаб бўлди.

НУРЛИ КИТОБЛАР

Калифорниядаги «Рандом хаус» нашриёти томонидан чоп этилган «Қоронғуда ҳам кўзга ташланувчи ўрдак» ва «Тунги осмон» китоблари ғоят оммалашиб кетди. Бунга китоблар саҳифаларининг ўзларидан нур таратиб туриши сабаб бўлди. Шифокорлар саҳифаларга ёруғлик берувчи хом ашёнинг ўқувчилар соғлиғига мутлақо зарари йўқлигини таъкидламоқдалар.

ЯНГИ ҚОҒОЗ ТУРИ

Японияда «Жепен бродкастинг кикай» фирмаси томонидан чиқарилаётган бу қоғоз турининг афзаллиги — ундан бир неча марта фойдаланса бўлади. Мазкур қоғозлар махсус модда билан қопланган бўлиб, сувга солинса эски ёзув мутлақо ўчиб кетади. Фақат бундай қоғозларни ишлаб чиқариш оддий қоғозларга нисбатан анча қимматга тушмоқда.

Болага дўст бўла оламизми?
3-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Мактабгача болалар муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, мактабгача таълим тизимида рақобат муҳитини яратиш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтириш учун шарт-шароитларни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлигининг давлат мактабгача болалар муассасалари билан бир қаторда тижорат асосида фаолият кўрсатувчи, давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини кенгайтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгиланснки:

давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари ўз устав жамғармасини муассисларнинг маблағлари ҳисобига шакллантиради, ҳар хил ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилади ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади;

давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари белгиланган тартибга мувофиқ хусусийлаштириладиган давлат мактабгача муассасалари негизида ҳам ташкил этилиши мумкин;

тугатилаётган давлат мактабгача болалар муассасаларининг бўшаётган бинолари ва иншоотлари мавжуд жиҳозлари ва асбоб-ускуналари билан биргаликда, кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан 3 йилгача муддатга ижара ҳақи ундирмасдан, давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларига ижарага берилиши мумкин.

3. Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларининг ишлаб турган давлат мактабгача болалар муассасалари таркиби ва ҳудудида, шунингдек бошқа давлат мактабгача болалар муассасаларига эга бўлмаган аҳоли яшаш жойларидаги ишлаб турган давлат мактабгача муассасалари ўрнига ташкил этилишига йўл қўйилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаси /ташкилоти/ тўғрисида Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва ВазирларМаҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин, унда уларни ташкил этиш тартибини, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий мақомини, тегишли давлат стандартларини таъминлаш бўйича асосий талабларни, кўрсатиладиган хизматлар учун ҳақ тўлаш тартибини, маблағ билан таъминлаш механизмини ва бошқаларни назарда тутсин.

5. Хизмат кўрсатиладиган болаларнинг сифатли овқатлантирилишини ташкил этиш учун давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар мактабгача муассасаларига олинадиган даромадларнинг 15 фоизгачасини чакана савдо тармоқларидан ва деҳқон бозорларидан нақд пулга озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга сарфлаш ҳуқуқи берилсин.

6. Ташкил этилаётган давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари барча турдаги солиқлар ва мажбурий тўловлардан /Пенсия жамғармасига ажратмалардан ташқари/ улар давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб уч йил муддатга озод қилинсин, кўрсатиб ўтилган маблағлар уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар, дидактик материаллар, болалар ўйинчоқлари ва адабиётлари сотиб олиш учун мақсадли сарфлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги юқорида белгиланган солиқ имтиёзларидан фойдаланувчи давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари хизматлари учун тўлов миқдорларининг декларация қилинишини таъминласин.

8. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларини ривожлантириш, уларнинг фаолият кўрсатиш ҳуқуқига лицензияларни белгиланган тартибда расмийлаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириб бориш, шунингдек уларга услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг болалар тарбияси ва таълими соҳасидаги давлат стандартларига риоя этишларини назорат қилиш функцияси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларида давлат стандартларига мувофиқ санитария, гигиена ва саломатликни мустаҳкамлаш даражаси устидан тиббий кузатув ва назоратни таъминлаш функцияси юклансин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларини ташкил этишга амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида ҳар томонлама кўмаклашсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги билан биргаликда ишлаб турган давлат мактабгача болалар муассасаларининг жойлашувини ва болалар билан тўлдирилганлигини, уларнинг бир қисмини кейинчалик сотиш ёки янгидан ташкил этилаётган мактабгача болалар муассасаларига ижарага бериш учун аниқлаб олиш мақсадида бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини пухта ўрганиб чиқсинлар;

давлат таъминоти муассасалари учун харидларнинг умумий ҳажмини аниқлашда давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олсинлар ва давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари томонидан давлат таъминоти тизимининг савдо корхоналари тармоқлари, шунингдек чакана савдо тармоқлари орқали нақдинасиз ҳисоб-китоб бўйича майда улгуржи тартибда озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш имкониятини таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 августдаги 397-сон қарорига 1-илованинг 1,2-банди 3-хат бошидаги иккинчи жумла қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"Асосий озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ҳажмини аниқлашда давлат таъминоти муассасалари таркибига давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари, шунингдек тегишли муассасалар балансида турадиган корхоналар билан келишган ҳолда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига маблағ билан таъминланадиган идораларга қарашли мактабгача болалар, ўқув ва даволаш муассасалари киритилиши мумкин".

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б.Ҳамидов ва Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
1999 йил 24 июнь

"ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ"

"Ma'rifat" газетаси, 1999 йил 24 июнь

Ўзбекистон Фалсафа жамиятининг мамлакатимиз етук файласуфлари иштирокидаги илмий-назарий анжумани шу йил 24 июнь куни «Маърифат» газетасида эълон қилинган Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавоблари юзасидан давра суҳбати билан бошланди. ТошДУда ўтказилган мазкур суҳбатни Ўзбекистон Фалсафа жамияти раиси,ЎзФА мухбир аъзоси С.Шермуҳамедов бошқарди.У йиғилганлар эътиборини юртбошимизнинг жавобларида таъкидлаган фикрларини теран мушоҳада қилишга, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишда файласуфларга биллирилган ишончни чуқур ҳис қилишга даъват этди. Қизғин мунозараларда бундан келиб чиқадиган масъулиятли вазифалар, уларни бажариш воситалари ва кундалик фаолиятга тадбиқ этиш орқали аниқ натижаларга эришиш ҳар бир файласуфнинг инсоний бурчи сифатида эътироф этилди.

Бу борада психологлар, тарихчилар билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш, фуқаролар онгида миллий ғоя, миллий мафкурани шакллантиришда фалсафанинг ўрнини намоён қилиш асосий вазифалардан дея белгиланди.

Ўртага ташланган таклифлар шуни кўрсатадики, бугунги фалсафа жамиятни эски асоратлардан ҳа-

ИНСОН — МАЪНАВИЯТ — ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ

берган жавоблари юзасидан давра суҳбати билан бошланди. ТошДУда ўтказилган мазкур суҳбатни Ўзбекистон Фалсафа жамияти раиси,ЎзФА мухбир аъзоси С.Шермуҳамедов бошқарди.У йиғилганлар эътиборини юртбошимизнинг жавобларида таъкидлаган фикрларини теран мушоҳада қилишга, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишда файласуфларга биллирилган ишончни чуқур ҳис қилишга даъват этди. Қизғин мунозараларда бундан келиб чиқадиган масъулиятли вазифалар, уларни бажариш воситалари ва кундалик фаолиятга тадбиқ этиш орқали аниқ натижаларга эришиш ҳар бир файласуфнинг инсоний бурчи сифатида эътироф этилди.

Бу борада психологлар, тарихчилар билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш, фуқаролар онгида миллий ғоя, миллий мафкурани шакллантиришда фалсафанинг ўрнини намоён қилиш асосий вазифалардан дея белгиланди.

Ўртага ташланган таклифлар шуни кўрсатадики, бугунги фалсафа жамиятни эски асоратлардан ҳа-

САБАБИНИ БИЛГАН ЕЧИМИНИ ТОПАДИ

Халқ таълими вазирлигида навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Президент Ислом Каримовнинг ЎзА мухбири саволларига берган жавобларидан келиб чиқувчи вазифалар», «Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг V Республика спартакиадаси якунлари тўғрисида», «Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг давлат аттестацияси натижалари ҳақида"ги масалалар муҳокама этилди.

Биринчи масала бўйича ҳалқ таълими вазири Жўра Йўлдошев маруза қилди.

— Президентимизнинг интервьюларидан келиб чиқадиган вазифалар, аввало, бизга таллуқли, - деди вазир. — Юртбошимиз таъкидлаганларидек, табиатда ҳеч қандай бўшлиқ бўш қолмайди, албатта, ўрни нима биландир тўлади. Шу маънода биринчи галдаги вазифамиз ёшларимизда мафкуравий бўшлиқнинг пайдо бўлиш сабабларини билиш. Иккинчидан, ёт ғояларнинг оқиб киришидан асраш.

Мактабларимизда «Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари» лавозимини ташкил этган эдик, бироқ улар ҳали ўз йўлини тополмаяпти. Уларнинг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишимиз керак.

Шунингдек, у боланинг бўш вақтини ташкил этиш, «Қувноқ стартлар», «Йўл ҳаракати посбонлари»га ўхшаш ўқувчилар орасида оммалашиб кетган мусобақаларни кўпайтириш лозимлигини таъкидлади. Иккинчи масала бўйича вазирликнинг жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Раҳматилла Саломов маърузаси тингланди.

Халқ таълими вазирлигининг 1998 йил 5 декабридаги 217-сонли буйруғига мувофиқ, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг

(Давоми 2-бетда)

ЯШАШДАН МАҚСАД НИМА?

Боймирза ТЎЛАЕВ: ўқитувчи, Ўртачирчиқ тумани:

— Гапнинг очиғи, мустақилликка эришганимизга саккиз йил бўляптию, айрим одамларимиз, ҳамон ҳозирги ҳурлик, тинчлик, эркин ҳаётни фақатгина қорин қайғуси билангина ўлчашади.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлигию, кун кечиришнинг қийинлигидан нолишади. Энг ачинарли ва хавфли томони шундаки, бу тоифадагилар ўзларининг қобиғига ўралиб, тор доирадаги фикрлаш тарзларини атрофдагиларга «юқтиришга» ҳаракат қиладилар. Бу билан гоҳ билиб, гоҳ билмай иш тутсалар-да, ёшларнинг онгини заҳарлаётганларидан, ўзи сингари «берсанг ейман, бермасанг ўламан» қабилида иш тутиб, фаолиятсизликка ундаётганлигидан заррача бўлсада, ўзларини гуноҳкор сезмайдилар. Биз ёшларни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўқиш ва ишда учрайдиган майда-чуйда қийинчиликларни ирода билан енга оладиган руҳда тарбиялашимиз керак.

Президентимизнинг таълим-тарбияга мунтазам эътибор бераётганлиги, ҳушёрликка даъвати бизларни эркин фикрли, ҳозирги вазиятда ҳар хил ғояларга зийраклик билан муносабат билдирувчи ёшларни тарбияламоғимиз зарурлигини бот-бот уқтиради.

Хусан Сулаймонов тайёрлади, «Туркистон-пресс»

* * *

ИСТИҚЛОЛ ТАҚДИРИ УЧУН ҲАММАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Мен замонавий фикрлайдиган, Ватанга садоқат руҳида тарбия олаётган, жаҳон тараққиёти ва маданияти билан ҳамқадам бўлишга интилаётган минглаб ёшларимиз билан бир қаторда ҳали шу даражага етмаган қанчаданқанча фарзандларимиз ҳам борлигини ўйласам, олдимизда нақадар катта муаммолар турганини яққол тасаввур этаман. Бу ишни амалга ошириши лозим бўлган ўқитувчи-мураббийларни кўз олдимга келтирсам, уларни чинакам замонавий билим соҳибларига айлантириш учун ҳам ниҳоятда кўп иш олиб боришимиз кераклигини англайман.

Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларида «Бу борада қанча иш қилмайлик, шу соҳада ишларимиз етарли эмаслигини тан олишимиз, Оллоҳ берган ақл-заковати билан тўғри йўлни адашмай топа олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришда бағри кенг, заҳматкаш ўқитувчи-мураббийларимизга таянишимиз лозим» деган фикрлари мени — оддий ўқитувчи қалбини чуқур ҳаяжонга солди.

Мустақиллик даврида муаллимларнинг ойликлари бир неча марта оширилди. Жаҳон тарихида биринчи бўлиб, бизнинг давлатимизда «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» умумхалқ байрами сифатида нишонланиши ғамхўрликнинг яққол далилидир. Хўш, мана шу имтиёзлар, ғамхўрликлар эгаси бўлиб турган биз — халқ зиёлилари, муаллимлар давлатимиз, Президентимиз ишончини тўла оқлай оляпмизми? Ёшларга бераётган билимимиз, тарбиямиз ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладими? Бугунги кунда рўшнолик кўриб, ўзини мустақил инсон сифатида ҳис қилаётган фуқароларимиз орасидан безори, оқпадар ёшлар етишиб чиқишининг боиси нимада? Нима сабабдан баъзан муқаддас китобимиз бўлмиш Қуръони Каримни, Ҳадиси шарифни чала-чулпа ўзлаштириб олиб, муллаликни даъво қилувчиларга, уларнинг тарбиясига ишониб қўйдик. Қўшнимиз, қариндошимиз фарзандларнинг тарбияси бузилиб бораётганлигини кўриб, ташвишланмаймиз, вақтида олдини олмаймиз.

(Давоми 2-бетда)

“ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ”

Инсонлар турмушларида қатор тушунчаларнинг қадрига етмай юрадилар. Шундай тушунчалардан бири дийдордир. Дийдор ҳақида неча етук алломалар қалам тебратишиб, кишиларни бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлишга, ҳаётдаги баъзи масалаларни биргаликда, баҳамжиҳатликда ҳал қилишга ундаганлар. Албатта, бу борада маълум натижаларга ҳам эришилган. Куни кеча Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 144-мактабда ўтказилган шу илм масканини 1969 йилда тугаллаган собиқ ўқувчиларнинг устозлари билан учрашувида ана шулар ҳақида гапирилди. Албатта, унда собиқ битирувчиларнинг ёшлик йиллари, ўқувчилик даврлари эсланди. Муҳими, айни кундаги ҳаёт ҳам эътибордан четда қолмади.

Учрашувда ўша даврда ўқитувчилик қилиб, ҳозирда нафақалик гаштини сураётган кекса педагоглар Бўрихўжа Алимов, Шомаҳмуд Тўлаганов, Бахри ая Эшметова ва Собира аялар собиқ ўқувчиларининг интилувчанлиги, илмга чанқоқ бўлганликларини гапириб, улар шу фазилатлари туфайлигина замонасининг илғор кишилари сифатида танилаётганини эътироф этдилар.

ФАРЗАНДИМИЗ — ЮЗИМИЗ

Устозлар шогирдларини маҳалла аҳлининг қувонч ва ташвишларига шерик бўлишга чақириб, ҳозирги ёшларнинг тарбиясига, тартиб-интизомига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги тўғрисида сўзлашди. Айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларидаги **«Кўп нарса, албатта, инсоннинг ўзига ва унинг тарбиясига боғлиқ»** деган калимасида жуда улкан ҳикмат борлигини, унинг асосида катта ҳаётий ҳақиқат ётганлигини ибратомуз тарзда айтиб ўтдилар.

Учрашувда собиқ ўқувчилардан Солиҳ Зокиров, Ўлмасхон Юнусова ва бошқалар сўзга чиқиб, устозлар ўгитлари Президентимиз ўртага қўяётган вазифаларни бажаришда, шунингдек, турмуш чорраҳаларида учраётган баъзи муаммоларни ҳал қилишда асқотиши тўғрисида фикр билдирдилар.

Сўзга чиққанлар эътироф этганларидек, ўзаро тотувликни таъминлаш, ўғил-қизларда эзгу фазилатларни шакллантириш, Ватанга содиқ ўғлонларни тарбиялаш, аввало, оиладан бошланади, сўнгра маҳаллада, мактабда давом эттирилади. Дарҳақиқат, юқорида тилга олинган суҳбатда Юртбошимиз тафаккур тарбияси ҳақида гапириб, оиладаги муҳитга, ота-она ўрни ва масъулиятига, алалхусус, халқ педагогикасининг муҳим жиҳатларига алоҳида тўхталганлар: **«Масалан, болани гўдаклигидан юз-қўлини ювишга ўргатмасангиз, керак бўлса, мажбур қилмасангиз, ювуқсиз ҳолда дастурхон атрофига ўтириш унга одат бўлиб қолади».** Биз ҳар доим ҳам аҳамият бермай, арзимаган иш дея қарайдиган шу амал ёш бола учун катта юмуш, унинг шаклланишида, озодаликка, покликка кўникишида муҳим ҳисобланиши кўпчиликнинг хаёлига ҳам келмайди.

Хуллас, ҳар биримизнинг қалбимиз уйғоқ бўлиши зарур. Шу билан бирга биз, ҳаммамиз ҳар қайси ишга, хусусан, таълим-тарбия ишига янгича усуллар билан ёндашишимиз керак.

Қ. МАТКУРБОНОВ

(Боши 1-бетда)

Бунда бизларнинг ҳам айбимиз бор. Келинг, энг аввало ўз ишимизнинг чинакам фидойиси, жонкуяри бўлайлик. Орамизда бирорта ҳам устоз, мураббий деган улуғ номга доғ туширадиган инсонлар бўлмасин. Миллат тақдири ҳар биримизнинг қўлимизда эканлигини, бунинг учун ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар бир инсон масъул бўлиши лозимлигини ҳеч қачон эсимиздан чиқармайлик.

Райҳон БОБОРАҲМАТОВА,
Самарқанд вилояти, Пахтачи туманидаги 24-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, «Шухрат» медали соҳиби

* * *

БИРЛАШГАН КУЧ ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларини катта ҳаяжон билан ўқиб чиқдим.

Юртбошимиз куюниб, аччиқ бўлса-да, бор ҳақиқатни рўйи рост айтибдилар. Таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган амалий ишлар кенг жабҳада олиб бориляпти, аммо унинг натижаларидан барча фарзандларимиз бирдай баҳраманд бўлолмаяптилар. Бу – рост гап. Кўплаб ёшларимиз на замонавий билимларни, на зарур касб-ҳунарни эгалламай ҳеч қаерда ишламай лоақал оиласига нафи тегадиган юмушни ҳам бажармай, кўча-кўйда ё бозорларда тентираб юришибди. Уларнинг онгини юксалтиришга, тафаккурида пайдо бўлган бўшлиқни юртга сидқидилдан хизмат қилиш истаги орқали маърифат нури билан тўлдиришга эришмоғимиз даркор.

Президентимиз ҳушёрликка даъват этиб, ёш авлод қалбида жамият, эл-юрт, ота-она олдида масъулият уйғотиш, иймон, эътиқод ва ирода тушунчаларини мустаҳкамлаш ҳаётимизни янгилашнинг муҳим шарти эканини таъкидлаганлари бежиз эмас. Маърифатли жамиятни, Ўзбекистоннинг бахтли ва осуда ҳаётини замонавий фикрлайдиган, Ватанга садоқатли жаҳон тараққиёти ва маданияти билан ҳамқадам бўлишга интилаётган ёшлар таъминлайди. Шу сабабдан, биз мураббийлар ана шундай баркамол авлодни тарбиялаш, илмли қилиш йўлида қўлни қўлга бериб, ҳар қачонгидан ҳам ҳушёрроқ бўлиб иш олиб боришимиз даркор. Бирлашган куч — енгилмас!

Азиза БЎРИБОЕВА,
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 84-мактабгача ва бошланғич таълим муассасаси раҳбари

ҲАММА ГАП ЎЗИМИЗДА

«Ҳушёрликка даъват» сарлавҳаси остидаги Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига берган жавобларини ўқир эканмиз, Юртбошимизнинг ёшлар таълим—тарбиясига, мафкуравий онгига бўлган эътибори, талабчанлиги янада ортаётганини сездик. Ҳақиқатдан ҳам, бугунги замон биздан Президентимиз таъкидлаганидек, «ўз кучи, салоҳиятига ишонадиган, боқимандаликни ор деб биладиган,энг ривожланган мамлакатларнинг илғор кишилари билан теппа-тенг муомала қила оладиган, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата биладиган, бу мураккаб,бешафқат ҳаётнинг пасту- баланд, тангу-тор кўчаларидан Оллоҳ берган ақл-заковати билан тўғри йўлни адашмай топа олишга қодир бўлган баркамол авлод» бўлиб етишишимизни талаб қилмоқда. Бунинг учун эса, биз ўзимизни ўзимиз ҳам руҳан, ҳам аҳлоқан тарбиялаб бормоғимиз лозим. Бу борада бизга миллатимизнинг буюк тарихи, нодир қадриятлари, ёшларни тарбиялашга қаратилган тадбирлар билан бирга ҳаётнинг ўзи катта бир мактаб бўла олади.

Биз ёшлар бугун миллий мафкурамизга ёт бўлган ҳар қандай ғояга қарши тура олмоғимиз керак. Нега мустамлака даврида мамлакатимиз ёшлари коммунистик мафкура зўравонлиги таъсири остида ҳар қандай вазиятда «доҳий Ленининг” ишини давом эттиришга «Доим тайёр!» тургану, энди бугунга келиб, биз—озод Ўзбекистоннинг мағрур фарзандлари ҳур ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида ўзимизни кўрсата олмаймизми?

Биз, бунга қодирмиз. Фақат буни амалда кўрсата билмоғимиз керак. Ҳамма гап ўзимизда, биз талабалар ўзимизнинг ва атрофимиздаги тенгдошларимизнинг дунёқарашини—онгини миллий мафкурамиз ғоялари билан бойитишга, юксалтиришга ҳисса қўшмоғимиз даркор.

Тўлқин ОРТИҚОВ,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг 3-босқич талабаси

* * *

ҚАЛБГА ЧОРЛОВ

Биз киммиз? Мен кимман? Қайси юртнинг фарзандиман? Бундан ўзимга ва халқимга қандай манфаат келаётир?

Ҳар бир фуқаро –у хоҳ зиёли, хоҳ талаба, хоҳ олим, хоҳ ишчи бўлсин, ана шу саволни тез-тез ўзига бериб турса,Ўзбекистон деб аталмиш муқаддас гўшада фақат юксалиш рўй беради. Афсуски,бундай мулоҳазани ҳамма киши ҳам юритавермайди.

Президентимизнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларини ўқир эканмиз, хаёлимиздан шу фикрлар ўтди. Марказий институт жамоаси ва тингловчилар иштирокида ўтказилган катта йиғин Президентимизнинг галдаги чиқишларига, қолаверса, истиқлол мафкурасига бағишланди. Ўқув семинарида институт ректори А.Акмалов маъруза қилар экан,халқ зиёлилари «Ҳушёрликка даъват»нинг ҳар бир бандию ҳар бир жумласини синчковлик билан ўқиб чиқиши кераклигини таъкидлади. Чунки бу жавоблар ҳар биримизнинг қалбимизга чорлов ва ҳар биримизга қаратилган даъватдир.

Юртимиздаги ҳар хил диний оқимларнинг вужудга келиши тарбиядаги таназзул билан боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Ёш авлод тарбиясидаги бўшлиқни фақат тарғибот-ташвиқот ишлари билангина йўқотиш мумкин. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда семинар иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари бир жойдан чиқди.

Биринчидан, марказий институтдаги ҳар бир кафедра ва курсларда «Ҳушёрликка даъват» бўйича махсус маъруза ва суҳбатлар уюштирилиши керак. Бу вилоят халқ таълими бошқармалари, жойлардаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтларига ҳам тегишли.

Иккинчидан,турли нохуш воқеаларнинг, хусусан, бўлмағур варақаларнинг тарқатилиши халқимизнинг нафратини қўзғаётир.Бу воқеалар мактабдан ташқарида содир бўлаётгани учун барча маҳаллаларда унга қарши курашадиган жамоатчилик кенгаши тузилиши керак. Унинг таркибига маҳалла ва мактаблардаги фаол кишилар жалб қилиниб, махсус дастур асосида фаолият кўрсатишлари фойдадан холи бўлмайди.

Учинчидан, мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, олий ўқув юртларида истиқлол мафкурасига доир суҳбат, учрашув ва маърузалар чуқур мазмунли, қизиқарли қилиб ўтказилиши керак.

Қалбга чорлов—тинчлик,осойишталикка чорловдир. Буни барчамиз идрок этайлик!

Байит ТУРДИЕВ,
А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ нашр ва тахририят бўлимининг бош муҳаррири

Суд ҳукми эълон қилинди

1999 йилнинг 2 июнида Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу йилнинг 16 февраль куни Тошкентда мамлакат Президенти ва давлатимизнинг бошқа раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш, Конституциявий тузумга қарши қўпорувчилик ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланувчи йигирма икки нафар шахсга нисбатан очиқ суд жараёни бошланган эди.

28 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, Олий суд Раисининг биринчи ўринбосари А.Полвонзода раислигида, Олий Суд судъялари Р.Акбаров ва Қ.Исаров таркибидаги суд ҳайъати суд мажлиси давомида судланувчилар, гувоҳлар, жабрланувчиларнинг кўрсатмаларини, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчиларнинг охирги сўзларини ва ишда тўпланган бошқа далилларни маслаҳатхонада ҳар томонлама таҳлил қилганлигини, судланувчиларнинг ҳар бирини Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан ҳақиқий содир этган жиноий ҳаракатларига асосан айбли деб топганлигини кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддаси, яъни содир қилган жиноятлар мажмуи асосида ҳар қайси жинояти учун алоҳида жазо турларини белгилаб, шу белгиланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан судланувчиларга ўташ учун қўйидагича қатъий жазолар тайинланганлигини эълон қилди.

Судланувчилардан Козимбек Зокиров, Баҳром Абдуллаев, Зикир Ҳасанов, Муҳаммад Абдураҳмонов, Зоҳиджон Деҳқонов, Талъатбек Нуралиев ўлим жазосига ҳукм этилди.

Рустам Маматқулов, Дилшод Камолов, Шерзод Шеров, Ҳотамшер Назаров, Орифжон Алимов, Абдунаби Нишонбоев, Ҳусанбой Закиров, Нодирбек Умаровларнинг ҳар бири 20 йил муддатга, Оловуддин Болтаев 18 йил муддатга, Каримжон Узоқов ва Аҳад Мамажонов 15 йил муддатга, Зайниддин Асқаров 11 йил муддатга, Фозилжон Асқаров, Нурали Йўлдошев, Қаҳрамон Ниёзмуҳамедов, Бахтиёр Турдиохуновларнинг ҳар бирига 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиб, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланди. Суд уларга жазо тайинлашда Президентимиз ва халқимизни кечиримли эканликларини ҳам назарда тутди.

Қонунларимиз инсон ҳуқуқларини, у ким бўлишидан қатъий назар, ҳимоя қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати биринчи босқичда кўрилган ушбу иш бўйича чиқарилган ҳукмни ўқир экан, судланувчилар ҳукмдан норози бўлса, Олий Суднинг Раёсатига кассация тартибида шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланишлари ҳамда афв этиш ва илтимос қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилди.

Т. Ботирбеков,
ЎзА мухбири

Fikr

ЎҚИТУВЧИНИНГ ВАЗИФАСИ — БЎЛМАГАННИ БЎЛДИРИШ

Маълумки, мактабда болалар билимини белгилаш мезони — уларни баҳолаш ҳисобланади. Лекин кўп ҳолларда шундай бўлаяптики, баҳо бола билимини эмас, балки бола шахсини белгиловчи восита бўлиб қолмоқда, яъни биз ўзимиз сезмаган ҳолда баҳонинг таъсирига тушиб қолмоқдамиз. Масалан, синфимизда «4» ва «5» баҳога ўқийдиган «аълочи» ўқувчиларимиз ҳамда «3» ва «2» баҳога ўқийдиган «билмас» ўқувчиларимиз бор. Энди ўйлаб кўринг, биз ҳамма вақт ҳам аълочи болаларга қилаётган муомаламизни, муносабатимизни паст баҳога ўқиётган ўқувчиларимизга ҳам қилаяпмизми? Курс тингловчиларининг аксарияти «йўқ» деб жавоб беришади. Демак, биз баҳо туфайли ўқувчиларни иккига ажратиб, бир хил муносабатни юзага келтиряпмиз. Бола бу икки хил муносабатни сезмайди, деб ўйлайсизми. Олдинги парталарда ўтирган болаларнинг фаоллиги орқада кўпроқ ўз иши билан овора, дарсга бефарқ бўлган ёки доимо жим ўтирадиган ўқувчилар айнан шу икки хил муносабат туфайли эмасмикин.

Психологик жиҳатдан олганда баҳо ўқитувчи-ўқувчи ўртасидаги муносабатни белгиловчи қатъий меъзонга айланиб қолган. Шунинг таъсирида улар баъзи ҳолларда яхши ўзлаштира олмаётган ўқувчиларга «сендан яхши одам чиқмайди», деб танбеҳ беришади. Шу ўринда бир психологик тажриба ҳақида тўхталмоқчиман. Агар 5 кишини йиғиб, уларга «мен сўраган пайтимда шу оқ бўрни қизғиш дейсизлар», деб айтсангиз ва бундан бехабар 6-кишини чақирган ҳолда, олдингилардан «бу бўрнинг ранги қанақа» деб сўранг ва 5 киши қизғиш деб жавоб берса уларнинг таъсирида 6 -киши ҳам бўрнинг ранги қизғиш деб жавоб қайтаради ёки тўғри жавобни билсада ўзгаларнинг таъсирида ўзига ишончни йўқотади. Демоқчиманки, бот-бот таъкидланган танбеҳ болада «мендан одам чиқмас экан» деган ички руҳий таъсирга, қолаверса, ички ишончга айланиб қолиши мумкин. Бундай болага кейин ижобий таъсир ўтказиш жуда қийин кечади.

Шу ўринда грузин психологи, новатор ўқитувчи Шалва Амонашвилининг фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир. «Баҳолар кимга керак? Болаларга баҳо керак эмас, агар биз ўқишни билишга бўлган қизиқишни ривожлантириш жараёнига айлантирсак, агар улар ўзларида бизнинг мажбур этган чоралар кучини ҳис этмасалар, улар баҳосиз ҳам ўқийдилар. Уларнинг ҳар бири қолганлардан қанча ўзиб кетганлиги ёки орқада қолганлигини, ўқувчилар «кучли» ва «заиф», «ўзлаштирувчи» ва «қолоқ»ларга бўлинишини билишларининг мутлақо кераги йўқ».

Мактабдаги иккинчи бир муҳим ҳолат ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги руҳий оралиқ масофа (дистанция) ҳақида. Бундай оралиқ масофа бўлиши керакми, деб берган саволимга курс тингловчиларининг кўпчилиги «Ҳа, бўлиши керак» деб жавоб беришади. Хўп, агар бўлса сиз бунга нималар орқали эришасиз, деб берилган саволга эса кўпчилик жавоб беришга қийналиб қолишади. Баъзи бирлари эса «жиддий тураман, сиримни сақлайман» деб жавоб қайтаришади. Лекин, жиддий тураман, сиримни сақлайман, деб сиз боладан руҳан узоқлашиб кетмаяпсизми? Менимча, ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида руҳий оралиқ масофа бўлиши, албатта, зарур. Аммо бу масофа ўқитувчи томонидан эмас, балки ўқувчи томонидан қўйилиши лозим. Бунга эса ўқувчининг ўқитувчига бўлган чексиз ҳурмати ва ишончи асосидагина эришилиши мумкин. Ўқувчилар ҳурматига сазовор бўлаётган ўқитувчиларнинг ютуғи ҳам ана шунда.

Абдулҳамид РАҲМОНОВ

Мактаб ўқувчиларининг ёз мавсумини кўнгилдагидек ўтказишлари учун етарли шароитлар яратиш нафақат ота-оналар, балки жойлардаги халқ таълими бўлимлари ва матлубот савдо ходимлари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди.

— Туманимизда бугунги кунда «Бойчечак», «Орзу», «Шодлик» сингари учта болалар оромгоҳлари фаолият кўрсатяпти, — деди Паркент тумани матлубот савдо бўлими бошлиғи С. Йўлдошев, — уларда 360 дан ортиқ бола ҳордиқ чиқармоқда. Ҳар бир бола учун 200 сўмдан зиёдроқ кунлик озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Шунингдек, туман халқ таълими бўлими билан биргаликда дам олиш оромгоҳларига каровот, кўрпа, жилдлар, спорт анжомлари харид қилишга ёрдамлашдик. Бир сўз билан айтганда, жажжиларнинг яхши ҳордиқ чиқаришлари учун бундан кейин ҳам амалий ёрдам кўрсатаверамиз.

Суратларда: бош тарбиячи Ирода Алимова болалар билан табиат қўйнида. Болалар спорт майдончасида.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар



(Боши 1-бетда)

САБАБИНИ БИЛГАН ЕЧИМИНИ ТОПАДИ

V-Республика спартакиадаси IV босқичда, 15 спорт тури бўйича ўтказилди. Спартакиаданинг барча босқичлари бўйича 28 мингдан ортиқ ўқувчи оммавий разряд нормативларини бажардилар. Тошкент шаҳри ўқувчилари мусобақаларнинг 11 тури бўйича биринчи ўринни эгаллаб, спартакиада чемпиони унвонини сақлаб қолишди. Самарқанд, Бухоро вилоятлари иккинчи, учинчи ўринларни эгалладилар. Спартакиада якунлари таҳлили кўрсатдики, бир қатор вилоятлар жамоаларининг жисмоний тайёргарлиги паст. Жумладан, умумий ҳисобда 13-ўринни эгалаган Наманган вилояти 15 спорт туридан 6 тури бўйича, 12-ўринни эгаллаган Қорақалпоғистон Республикаси 5 тури бўйича иштирок этмадилар. Сурхондарё вилояти спортчилари ҳамма турлар бўйича қатнашган бўлишса-да, паст натижа кўрсатиб, охирги ўринни эгаллашди.

Мусобақаларни ташкил этиш бўйича мазкур вилоятлар мутасаддилари паст кўрсаткичларнинг туб сабабларини изоҳлаб беришолмади.

Учинчи масала бўйича ЎзПФИТИ директори Ислом Турсунов ҳисоботи тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти жорий йилнинг 19 - 30 январь кунлари аттестациядан ўтказилди. ДТМнинг аттестация натижаларига кўра ушбу институтнинг илмий ва услубий фаолиятида маълум ижобий ишлар амалга оширилган. Белгиланган мавзулар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилаётганлиги, шу жумладан, ўрта умумий таълим концепциялари, давлат таълим талаблари ва стандартлари лойиҳалари, ўқув дастурлари, дарсликлар ҳамда қўлланмалар яратиб келинаётганлиги эътироф этилган.

Шу билан бирга бир қатор камчиликларга йўл қўйилган. Масалан, аттестация даврида институтнинг 1999 йил учун илмий тадқиқот ишлари режаси тақдим этилмаганлиги, институт паспорти ишлаб чиқилмаганлиги, илмий жамоада меҳнат интизомининг бўшашганлиги, институт билан республикадаги етакчи олий ўқув юртлари ўртасида алоқалар ўрнатилмаганлиги кўрсатиб ўтилган. Бу камчиликларни институт жамоаси ўз ички имкониятлари воситасида тугатишлари мумкинлигини ҳисобга олиб, аттестация комиссияси уни давлат аттестациясидан «шартли ўтди» деб тавсия этган.

Маърузачининг айтишича, ўтган вақт мобайнида камчиликларнинг анчаси бартараф этилган.

Ҳайъат йиғилишининг сўнггида кўриб чиқилган масалалар ва уларнинг ечими бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Аскар ШОКИР

Bizning suhbat

«ЎЗЛИК»НИНГ ЎЗЛИГИ

Телевидение – оммавий ахборот воситалари ичида тезкор ва имконияти анча кенг. Экран – ижод майдони. Ҳаёт деб аталмиш улкан уммонда мавзу дегани мўл-кўл.

Ўзбекистон телевидениесининг биринчи дастуридан доимий ўрин олган «Ўзлик» деб номланувчи кўрсатув бор. Истеъдодли ёзувчи Аҳмад Аъзам экранда кўриниши бериши билан ўтмишга, қатағон йилларининг қурбонлари ҳаётига қизиқувчи томошабин ўрнидан жиловланмай қолади.

Дарвоқе, «Ўзлик»нинг ўзлиги ҳам шунда. Унда шахсга сиғиниш йилларида халқимизнинг закий ва маърифатпарвар фарзандлари аччиқ қисмати ҳақида ҳикоя қилинмоқда.

Мухбиримиз кўрсатув муаллифи Аҳмад Аъзам билан учрашиб, қуйидагича суҳбатлашди.

— «Ўзлик»... Аҳмад ака, кўрсатув нега шундай номланади?

— «Ўз» сўзидан маъно ахтардим. Бир одамга дейлик, «Шу ишни ким қилди?», деб савол берсангиз, у «Мен», дейди, қатъиятлироқ бўлса, шу ишининг масъулиятини англаса, «Ўзим», дейди. «Ўз», «ўзим» "ўзлик" сўзлари шахс тийнати, шахсиятини англаган одам тимсолини ифодалайди. Бу одам ўзининг кимлигини билади, ўзи учун жавоб беради, ишонади ўзига – унинг ўзлиги бор! Миллат маъносида олсак, табиийки, бу сўзнинг маъноси жуда кенг – миллатнинг ўзини, келиб чиқишини, ҳозирги қиёфасини, бу дунёдаги ўрнини англаши. Президентимизнинг: «Бу ёруғ оламда биз киммиз ва не бир сирсиноатмиз, қаёққа қараб кетяпмиз? Инсоният янги – XXI асрга қадам қўйганда бизнинг ўрнимиз қаерда ва қандай бўлади» деган саволлар ўйлантириши табиий», деган ҳикматлари бор-ку! «Ўзлик» ҳам шу маънода, мазкур саволларга жавоб излаш йўлидан кетмоқда.

— Кўрсатувни ташкил этиш ғояси сизда қачон пайдо бўлди?

— Шу ном остидаги кўрсатувни эмас-у, лекин мавзунинг ўзини кўп ўйлаганман. Йигирманчи, ўттизинчи йилларда бўлган воқеаларни отамиз раҳматлидан кўп эшитганман. Мени, СамДУни битирганимдан кейин, етмиш биринчи йили раҳматли Ҳамид Сулаймон домлам Тошкентга ишга таклиф этган эдилар. У киши то Сталиннинг улимигача қамоқда беш йил ўтирганлар. Устознинг кабинетдан бошқа алоҳида ижодхоналари бўларди, келажакда шунақа кўрсатувлар қилишимизни худо кўнгилларига солганми, шу хонада менга қамоқдаги кўргуликларини айтиб берардилар. Кейин шоир Олтой билан бир хонада ўтирганман. Бу киши эса йигирма тўққизинчи йилдан бошлаб то Хрушчев замонигача орадаги қисқа танаффуслар билан қамоқда булган, лекин яна бир шўриш-савдони кўрмай деб, хотираларини гапирмасдилар... Демоқчиманки, ўша шўронинг тинч қатагони пайтида эшитганларим ҳозирги гувоҳликларни фарқлашга ургатди.

Кўрсатувни бундан икки йил олдин бошлаганмиз. Бунда режиссёримиз Хайрулла Ҳусаннинг хизмати жуда катта. У «Ўзлик»нинг ҳақиқий маънодаги фидойиси. Раҳмон Қўчқор дастлабки кўрсатувлардан иккитасини тайёрлаган. Истеъдодли адибимиз Назар Эшонқул муҳаррир сифатида катта ёрдам берган.

— Қатағон йилларида халқимизнинг чинакам маърифатпарвар фарзандлари таъқиб остига олинган, қанчасининг умри қамоқларда хазон бўлган... «Ўзлик»да улардан нечтасининг ҳаётига доир маълумотларни тўпладингиз? Бу маълумотларни тўплаб, «ойнаи жаҳон»га олиб чиқишда нималарга таянмоқдасиз?

— Фожианинг саноғи бўлмайди. Бир одамнинг тортган азобига ўн киши ҳам бардош беролмаслиги мумкин. Бир одам отилиб кетган бўлса, юз киши тирик қурбон бўлган. Икки йилдан бери ҳар якшанба кечқурун «Ўзлик»да бир, икки, баъзан тўрт-беш одам иштирок этади. Фожиалардан гувоҳлик беради, ўзингиз чамалаб кўраверинг... Таянишда... шу одамларнинг кўнгил ҳақиқатларига ишонаман.

— Муаллиф сифатида сизни кўрсатув қониқтирадими?

— Телекўрсатувга муаллифлик нисбий тушунча. Чунки унинг сифати, савияси битта бошловчининг ўзига боғлиқ эмас. Ўйлайманки, экранда фақат мен кўринганим билан икки йилдан бери «Ўзлик»ка режиссёрлик қилаётган Хайрулла Ҳусан муаллифликка тенг шерик. Кўрсатувда тасвирчининг меҳнати алоҳида туради, бунда режиссёр ассистенти, видеомуҳандис, ҳаттоки маъмурнинг ҳам ўзига яраша хизмати бор. Телевидение раҳбарлари менга ҳамиша ёрдам кўрсатиб келишяпти. Менга муаллиф сифатида, худога шукр, кенг йўл очиб берилган. Хуллас, бу кўпчиликнинг меҳнати, кўнглим тўлмайди, деб айта олмайман. Лекин ҳар бир кўрсатувда ё мавзунинг янги йўналишларини топиш, ё режиссурасига янгилик киритиш, ишқилиб, такрордан қочишга интиламиз...

— «Ўзлик» кўрсатувини тайёрлашда нимани кашф қилдим деб ўйлайсиз?

— Миллатимизнинг буюклигини такрор-такрор ҳис этиш имкониятини. Халқимиз бошидан не фожиалар ўтган бўлмасин, барибир, маснади улуғ бўлгани боис башар тарихида ҳам, умумжаҳон тамаддуни ривожида ҳам, истиқлол даврида ҳам ўзлигини йўқотмаган. Мен ўзимча бугунги кунда миллий фикрнинг тозариб келаётганини, миллатнинг тафаккур осмонидан қора булутлар ариб, уфқлари ёришиб келаётганини ва бу жараён келгусида қандай буюк самаралар беришини қайта-қайта англаяпман. Бир ижодкор учун бу ҳам жуда катта каш-

фиёт бўлса керак.

— «Маърифат» газетаси зиёлиларники. Юртимизнинг ақл-заковатли кишиларига қандай тилаклар билдирасиз?

— Юртимизнинг ақл-заковатли кишиларига... тилак билдиришга ҳаддим сиғмайди, чунки шундай одамларнинг тарбиясини олганман, уларнинг ҳимоятиданман. Юртимизнинг кейинги ўн йиллиқдаги равнақи ҳам шу ақл-заковат эгаларининг меҳнатини кўз-кўз қилиб тургандек назаримда.

Шахсан ўзим зиёли муаллимларим олдида қарздорман. Масалан, мактабда яхшигина тўполончи эдим. Бир куни катта танаффусда копток ўйнашга берилиб, математика дарсига ўн дақиқа кечикиб кирдик. Ўқитувчимиз гуноҳкорларни қатор қўйиб, бир-бир жазолаб келди-да, менга келганда қараб туриб; «Йўқ, бунга тегмайман, яхши ўқийди, шундай ўқиганларингда сизларни ҳам кечирардим», деди. Қаттиққўл ўқитувчимнинг менга нисбатан алоҳида меҳри бир умр бўйнимда масъулият бўлиб қолди. Худди шу қарздорлик туйғуси шогирдлар юрагини мудом тарк этмасин.

— Суҳбатингиз учун сизга ташаккур! Ижодингизга барака!

Суҳбатдош Ҳулкар ТЎЙМАНОВА

Dil izhori

УМРГА ТАТИГУЛИК САБОҚЛАР

Муаллим ҳақида сўз демоқ ҳамиша мароқли ва масъулиятли. Мақтагувчига хуш ёқадиган нарса, елкасидаги қарздорликдан оз бўлса-да, енгил тортади, лекин, барибир, устозини олқишлашга муносиб сўзлар тополмай «нимадир» камдек, «нимадир» етмаётгандек туюлаверади.

Тоҳир Нуралиев математика ўқитувчиси. 1978 йили Самарқанд Давлат педагогика институтини битирган. 1982 йилдан буён эса Пайариқ туманидаги Ўролбой Мавлонов номидаги 6-ўрта мактабда математика фанидан болаларга сабоқ бериб келмоқда. Математика бошқалар ўйлагандек «оғир» фан эмаслигини, қизиқарли, ўқувчининг ақлини чархлашини қорақўзларга уқтиргани-уқтирган. Шунданми, унинг шогирдлари ҳамиша математика фанини қизиқиб, қунт билан ўрганишади.

Т.Нуралиевнинг ўқувчилари вилоят ва республика олимпиадаларида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашмоқда. Бу натижа ҳам унинг дарс ўтиш маҳорати юксаклигидан далолат берса не ажаб.

Бугунги кунда Т.Нуралиев мактабда маънавият ва маърифат бўйича директор ўринбосари ҳамдир. Миллат ва халқ ғурури ҳар нарсадан буюк. Маънавият эса ёшу қарига бирдек зарур.

Тоҳир Нуралиев бу ҳақда кўп ўйлайди. Маънавият - бу аввало ўз қадриятларимиз. Демак, олиб бориладиган тадбирларнинг асосида қадриятларимизга ҳурмат ётиши керак.

Тоҳир Нуралиев чиройли тадбирларнинг замирига ўзбекона қадриятларни жойлаш ташаббускоридир. Шу маънода ўқувчилар иштирокида турли танлов ва мушоиралар уюштиради.

Тоҳир Нуралиев менга ҳам дарс берган эди. У кишининг берган дарслари, ўгитлари ёдимда. Демоқчиманки, устозларимиз берган билим ва насиҳатлар умримизга татийди. Бу ёруғ дунёнинг устунлари сифатида уларга тан бериш баробарида устоз мураббийларимизга тан сиҳатлик, боқий ва мазмунли умр тилаймиз. Худди ана шу тилаклар оддий ва камтарин устоз Тоҳир Нуралиевга ҳам тегишлидир.

Наргиза ЖОМИРЗАЕВА

БОЛАЛАР УЧУН ЧОЛҒУЛАР



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Мактабгача ёшдаги болаларга мўлжалланган миллий чолғу-асбобларни амалиётга синаб кўриш ҳақида»ги буйруғига биноан бастакор Анвар Левиев ташаббуси асосида М.Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясининг илмий эксперименталлаборатория томонидан кичкинтойларга мослаштирилган ўзбек миллий чолғу асбоблари ишланиб, боғча болаларига нота билан чалишни ўргатиш усули тажрибасиновдан ўтказилди.

Таржиба-синов ишлари Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 217-ва Навоий шаҳар Навоий туманидаги 2-болалар боғчаларида муваффақиятли олиб борилди. Истеъдод ғунчалари рубоб, қонун, соз, доира, танбур, сафоил, ноғора, қутича, дутор сингари чолғу асбоблари чалишнинг ўзига хос нозик сирларини ўрганмоқдалар. Чолғу асбобларидан фойдаланиш бўйича методик тавсия ҳам мавжуд.

Эришилган натижаларга кўра, мактабгача таълим муассасаларида мазкур миллий чолғу асбобларидан фойдаланиш мумкин деб топилди.

Яқинда мактабгача таълим ходимлари малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи Республика курсида ҳам ёш истеъдодлар маҳоратларини намойиш этдилар.

Суратларда: ўзбек миллий чолғу асбоблари . Пойтахтнинг А.Икромов туманидаги 217-болалар боғчасининг ёш ҳаваскорлари мусиқа раҳбари Венера Рўзимбетова бошчилигида мусиқа сирларини ўрганишмоқда.

Шавкат АКРОМОВ олган суратлар.

Muloqot

ОДИЛ СИНОВ ОЛДИДАН

Олий ўқув юртига ким кириши керак?

Ҳар қалай дуч келган абитуриентни институт ёки университет остонасидан киритиб юборадиган даврлар ўтмишда қолди. Анча йилдирки, абитуриентнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратадиган тест технологиясидан фойдаланмоқдамиз.

Ҳар қандай янгилик ҳаётга кириб боргани сари ўзини намоён қила боради. Шу жиҳатдан олганда, тест синовларининг энг муҳим ва афзал қирралари тан олинди: холислик, адолат, юқори даражадаги махфийлик. Агар ана шу уч мезонни битта нуқтага туташтирсак, яна бир хулоса келиб чиқади. Бу - республикамиздаги барча мактаблар ҳақидаги батафсил маълумот.

Миллий матбуот марказига тўпланган қаламкашлар — газета, радио, телевидение, ахборот агентлиги ходимлари тест технологияси ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлдилар. Бу ерга очиқ мулоқот учун таклиф қилинган давлат тест маркази раҳбари, техника фанлари доктори, профессор Муҳсин Муҳиддинов ҳамда экспертлар абитуриент, тест, олий ўқув юртида давом этадиган кейинги жараённинг узвий боғлиқлиги хусусида баҳсмунозарани бошлаб беришди.

Марказ директори М.Муҳиддинов сўз олиб, жумладан, шундай деди:

— Биз қўрқмасдан кўп вариантли тест тизимига ўтдик. 1993 - 1995 йиллардаги қабул чоғида тест синовлари ўтказиш тажрибаси қўл келмай қолди. Чунки икки ва уч вариантли тест тизими махфийликни таъминлашга, уни кўп томонлама таҳлил қилишга қодир эмас эди. Шунинг учун 1996 йили тест синовларига тайёргарлик чоғида кўпвариантли тест тизими ишлаб чиқилди. Кейинги йилларда эса, улар бирмунча такомиллаштирилди. Бу энг аввало, тест технологиясининг мутахассисликлар ва таълим тиллари бўйича вариантларни синтез қилиш (умумлаштириш)дан бошлаб тест натижаларини ишлашгача бўлган бир қатор бўғинларини автоматлаштиришдир.

Тест хусусидаги баҳслар тўхтамайди. Чунки у борган сари такомиллашмоқда. Ва яна шуниси аниқки, миясига минглаб саволларни, ўқиш, ўрганиш орқали уларга топилган жавобларни жойлаган, иқтидори ва билим олишга салоҳияти кучли абитуриентгина талабалик бахтига эришади.

Тест маркази раҳбарияти ва экспертлари ҳамда журналистлар ўртасида давом этган мулоқотнинг асосини савол-жавоблар ташкил этар экан, бундан мақсад битта: тест тизимини холис, одил ва чуқур таҳлил билан ёритиш лозим.

Мулоқот иштирокчиларининг хулосаси шундай.

Муҳаббат АБДУЛЛАЕВА

Mulohaza

БОЛАГА ДЎСТ БЎЛА ОЛАМИЗМИ?

Олдимизга фарзандларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш вазифасини қўяр эканмиз, ушбу вазифа ҳаракат тушунчаси билан узвий боғланганлигини англамоғимиз зарур. Ўсиб, вояга етаётган бола тарбиясини унинг ҳаракати ҳамда атрофдаги олам ҳаракати билан боғламасдан амалга ошириш мумкин эмас. У жами ҳаракатланаётган буюмларга, ўйинчоқларга, ўйинларга қизиқади...

Ҳаракат деганда, боланинг жисмоний ҳаракатини, ақлий интилишини, ҳиссий ривожланишини ва ахлоқий камолот сари юксалишини тушунамиз. Демак, энг аввало, бола жисмонан серҳаракат бўлиши, бунинг учун уни турли спорт машғулотлари ҳамда фойдали меҳнат билан шуғуллантиришимиз керак. Шунда у соғлом бўлиб, турли касалликларга, атроф-муҳит ва экологик таъсирларга қарши кураша оладиган иммунитетни ҳосил қила боради. Биз боламизни шамоллаб қолишидан кўрқиб, ёзда ҳам қалин кийинтирсак, оёғи, қўли шилинмасин деб эҳтиётласак, унинг касал бўлиш эҳтимоли ортади. Чунки «Аяган кўзга чўп тушади», дейди халқимиз. Фарзандимиз нимжон бўлиб ўсмаслиги учун, у машғулотда ва меҳнатда обдон чиниқиши керак. Биз, кўпинча болалар югурса, сакраса, баланд, ноқулай жойларга чиқишга интилса, уни бу ҳаракатидан қайтармоқчи бўламиз. «Бу шумтакаларга қачон ақл кираркин», дея койинамиз. Аслида соғлом ақл соғ танда бўлиб, тан соғлиги эса ҳаракатни тақозо этади. Бола югурганда тезроқ югуриш санъатига, камроқ толиқиш илмига қизиқади ва бунинг учун қатор спортчилар ҳаёти билан қизиқади, ўзи ўйнайдиган кўчаларни яхшироқ ўрганади ва узоқроқдаги спорт майдончаларини, сув ҳавзаларини суриштира бошлайди. Ўзини ўзи ривожлантириш йўлида излана бошлайди.

Мактабимиз ёнидаги хонадонлардан бирида «Денди» ўйини қўйилди. Қатор ўқувчиларимиз дарслар ҳисобига ҳам уни ўйнагани кета бошлашди. Биз мураббийлар хонадон эгаси билан «сан-ман»га ҳам бордик. Аслида айб бизда эди. Чунки ҳаракатсиз, зерикарли бўлган, дарсларимиздан кўра ўзларининг ҳаракатга бўлган мойилликларини қондириш учун болалар ушбу ўйинни танлашган эди.

Баъзи ўқувчилар ақлий ҳаракатга қизиқишади. Бундай ўқувчилар шашка, шахмат тахтаси устида соатлаб вақт ўтказганини билмай қоладилар. Биз ота-оналарнинг вазифаси фарзандларимиз ҳаракатнинг қайси турига қизиқишларини аниқ билиш ва шунга тўғри келадиган тўгаракларга қатнаштиришдир.

Синф деворий газетасида чиққан кроссворд, ребусни ечиш учун бир талай болалар тўпланиб олишади. Уларни шу кроссворд ва ребус ечимидаги, кўзга кўринмас ҳаракатлар ўзига маҳлиё этган. Демак, ўйда ҳам шундай маронта ҳам китоб ўқишга қизиқмаган ота-онанинг боласи айнан шу поғонадан нари ўтолмай қолиб кетади. Ақлий ва ҳиссий ҳаракати фаоллашмайди. Энди у китоб ўқиса уйқуси келадиган одамга айланиб қолади. Бу фожеага ота-оналари, устозлари бевосита айбдордирлар. Ақлий ва ҳиссий ривожланмаган одамдан эса ахлоқий ривожланишни, баркамолликни кутиш мантиқан тўғри эмас.

Биз яқингача барча болаларга бир хил қолипда, бир хил ўлчамда ёндошардик. Ҳолбуки, уларнинг ҳар бири алоҳида бир шахсдир. Чунки ҳар бир болада ҳаракатнинг у ёки бу турига мойиллиги бўлиб, бу мойилликларнинг даражалари ҳам ҳар хилдир.

Тарбияни ҳаракатга боғлаб қарашимизнинг яна бир асосий сабаби: тарбия жараёнининг ўзи ҳам доим ҳаракатда бўлади. Қотиб қолган доимий бир хил қоидалар бўлмайди. Ёшига, жинсига, шаҳарда ёки қишлоқда яшаётганига, қолаверса, оилага мансублигига, ҳаттоки, миллатига қараб тарбия усуллари турлича, ўзига хос бўлишини таъминлашимиз керак.

Бунинг далили сифатида фарзандларимиз ўз ўйинларини фаслга қараб танлаганликларида кўришимиз мумкин: баҳорда варрак учириб, чиллак ўйнашса, ёзда кўпроқ сувда ўйнашади, қишда асосий ўйин-қор бўрон.

Тарбияни ҳаракат билан узвий боғлашимизнинг яна бир муҳим ҳолати шундаки, инсон туғилишидан олдинроқ ота-она тарбияси заминида бошланса-да, охири бўлмайди. У энг сўнгги нафасигача тарбияланади. Инсоннинг тарбиясида уни ўраб турган атроф, борлиқ иштирок этади. Тарбияни бошлашдан аввал бола фаолиятига тўғри ташхис қўйиб, ундан сўнг тарбиянинг бирор туридан фойдаланишимиз, унинг ҳаракатларини изга солиш керак. Айнан шу жараён тарбиялаш дегани. Бу ишда барча восита, барча усул вазиятга қараб қўлланилиши мумкин. Бу тарбиячининг маҳоратини, иқтидорини белгилайди.

Болаларимизга берадиган тарбиямиз, биз катталар (айниқса, ўқитувчилар) тарбиянинг, феъл-атворимизнинг ойнадаги акси экан, келажагимиз порлоқ бўлиши учун улар олдидаги тарбиявий ишимизни бир сонияга ҳам тўхтатмай, ҳаракатлантириб, сайқаллаб бормоғимиз керак.

Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ

Yaxshidan bog‘ qolar

ИЗЛАРИНГИЗНИ ИЗЛАЙМАН...

Муяссар Умирова дастлаб шеърлар, кейинчалик кичик қисса ва ҳикоялар ёзиб, бадиий ижодда ўз кучини синаб келди. Сўнгги йилларда 30 га яқин публицистик мақолалари, бадиалари матбуот юзини кўрди.

1995 йили Жиззах вилоятининг Зомин туманида ўтказилган «Ижодкор ўқитувчи»ларнинг IV Республика анжуманда «Излайин қаерлардан» номли романи, қисса ва ҳикоялари билан иштирок этиб, эътиборни тортди. Романи учун ҳакамлар ҳайъати ҳамда Халқ таълими вазирлиги қарорига мувофиқ «Ижодкор ўқитувчи» кўкрак нишони билан тақдирланди.

«Излайин қаерлардан» асари кўламининг кенглиги жиҳатидан ҳам мазкур жанр талабларига жавоб беради. Муаллиф ўз асарида давр туйғусини ҳаққоний акс эттиришга уринган. Қизил мустабидлик тузумининг қинғир сиёсати туфайли мамлакатда рўй берган ўта нохуш воқеаларга кескин муносабат билдирган. Турғунлик даври «беш йиллик» планлар оқибатида, «ватанпарварлик» мажбуриятлари, рекордлар тузоғида рўй берган носоғлом муҳитни барча фожеалари билан гавдалантиришга ҳаракат қилган.

Шоира образи орқали матонатли етук шоирамиз Зулфия ижодини тараннум этган. Айниқса, қирғинбарот уруш даврида, жабҳа орқасида қолган қиз-жувонларнинг ҳижрон азоби, меҳнат машаққатларини шеърият, ватан, муҳаббат ва вафони куйлаган Зулфия шеърлари енгиллатган, далда берган, руҳлантирган. Муаллиф шоира шеърларининг афсункор қудратини гоҳ қаҳрамони Зумрад холанинг хотиралари, гоҳ қиз-жувонларнинг шодлигию, айрилиқ нидолари замирида берар экан, адиба образи ёрқин тимсол сифатида ўқувчи қалбидан мустаҳкам ўрин олади.

Зумрад холанинг ўқитувчилик фаолияти – яқин ўтмишимизда, ўзининг теран тарихини эслашдан маҳрум бўлган, уни унутишга маҳкум этилган даврларга тўғри келган эди. У муқаддас мактаб даргоҳида ўз ўқувчиларининг ота-боболаримиз бой меросидан бебаҳра ўтаётганига куйинади. Дарсликда айтилиши ман қилинган, сиёсатга тўғри келмайдиган томонларини, Ватан тарихининг ёлғон-яшиқ ила бузиб кўрсатилган саҳифаларини ўйлаб қаттиқ изтироб чекади. Аллақайси архивларда, сандиқларда етти қават муҳр остида зах босиб ётган аждодларимизнинг илм сарчашмаларини эслаб кўзига ёш олади. Муқаддас орзулари топталган аламзада муаллиманинг қалбидан аламли нидо отилиб чиқади:

Ариқлар тўла сув, ташнаи зорим болам,
Омбор тўла дону, оч-наҳорим болам.

Зумрад холанинг чексиз ифтихори ва шу боисдандир, дил жароҳати ҳам Назиржони эди. Унинг ҳалол, покиза номига қилинган хусуматлар опага бир дам тинчлик бермасди. Зумрад хола умр йўлдошини излаб, унинг охирги жанг қилган жойи – Одерь қирғоқларигача боради. У ҳақдаги бор ҳақиқатни қандай бўлса шундайлигича одамларга етказишга ҳаракат қилади. Жуфти ҳалолининг пок хотирасини таҳқирловчиларга қарши беаёв курашади. Зумрад хола ҳаётда яна кўп нарсаларини йўқотади. Уларни излайди. Айниқса, озурда кўнглининг ахтариб борадиган ёлғизгина паноҳи — қадрдон боғига чанг солмоқчи бўлганларидаги аянчли ҳолатини ўқир экансиз, беихтиёр, асар қаҳрамонига кўшилиб изтироб чекасиз.

Асарда Ҳалимжон образи ҳам алоҳида ўрин тутади. Бутун умр «уруш қатнашчисининг беваси» деган шарафли ном билан яшаган онаси – Зумрад хола унинг бош қаҳрамонига айланади. Ўз турмуш тарзи ва фаолиятида одамларга қаҳри ва меҳрида, бир сўзлик, адолат ва саховатда, Ватанни севишда, илоҳий ихлос ва эътиқодда, покдомонликда унга тақлид қилиб яшайди. Ўзи айтганидек, оддий бир инсон сифатида волидасидай яшашга ва меҳнат қилишга интилади. Ўша оғир маънавий турғунлик палларида фақат ўзи учун ўзининг бугуни учун ўзи мансуб бўлган миллат билан ёвлашиб, бегоналашиб, унга туҳматлар ёғдириб кун кўрган кимсаларга қарши курашади.

Ҳожиқулов сиймосида шукуҳли ва фожеаларга тўлиб-тошган қатағон йилларида яшаган иймони бут зиёлиларимизнинг жонли тимсоли гавдаланади. У ниҳоятда тўғрисўз, қатъиятли инсон. Ҳақсизлик олдида жим туролмайди. Ҳеч ким билан муроса қила олмайди. Ҳақ ва ҳаққониятни ҳамма нарсадан устун билади. Ҳатто қиёматқойим замонларда ҳам ўз виждонига хиёнат қилмайди... Лекин бутун инсоний хислату фазилатларини, истеъдоду саъй-ҳаракатларини, бор-будини Эзгулик, Рўшнолик, Савобга бахшида этгани учун уни бадгумон, таҳқир ва бадном қиладилар. Бундан ортиқ бедодлик борми дунёда!

Шахсга сиғиниш. Кейин ҳам қанчадан-қанча шахс ва «шахсча»ларга қуллуқ қилиш туфайли рўй берган фожеалар, унинг мудҳиш оқибатларини биргина жафокаш инсон Ҳожиқуловнинг аччиқ қисматида кузатган тақдирда ҳам, бу марсия дилларни жунбушга келтиради. Шахсга сиғиниш даврининг «мантиқи» (ва мантиқсизлиги!..) шунда эдики, аксарият катта ақл эгаларига, миллатнинг ифтихори бўлган донишманд кишиларга... «халқ душмани», деб қарадилар. Асарни ўқир эканмиз, ҳуқуқсиз жамиятда жосуслик, қотиллик, иғвогарлик «фахрли касб» бўлиб қолганлигининг гувоҳи бўламиз. Инсоният таназзулининг бирон-бир даврида – энг мудҳиш замонларда ҳам соғлом ақлни таҳқирловчи бу қадар бемаъни сиёсат юритилмаган бўлса керак.

Алиев образи орқали муаллиф ўша давр раҳбарларининг жуда оғир, таҳликали, заҳматларга тўлиб-тошган ҳаётини жонли мисоллар ёрдамида кўрсата олган. Алиев юрган йўлидан, сўзлаган сўзидан ҳаётбахш нур тараладиган ажойиб инсон. У катта мансабда бўлишига қарамасдан умр бўйи нафс балосидан ўзини тийиб, қаноатда яшади. Ўз виждонига хиёнат қилмади. Ҳою ҳавас, кибру ҳаво, амал, давлат, мулк, пул ҳирсига учмади. Шахсга сиғиниш ва шу туфайли келиб чиққан мислсиз турғунлик даврининг тазйиқлари унга бир дам тинчлик бермади. Ўз ҳаётини гаровга қўйиб бўлса ҳам Ҳалимжонга ёрдам қилишга журъат эта олди.

Асарда табиат ва инсон хилқатининг абадий бирлиги, улар ўртасидаги монандлик ва муштараклик фарзанди ўлароқ, баҳорнинг лутфкор жамоли, ёзнинг сахий неъматлари, кузнинг маъсум маҳзунлиги ва қишнинг қирчиллама палласи чизган нақшлар моҳирона акс эттирилган:

«Узоқ-узоқлардан мунгли қўшиқ таралмоқда...
Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

Унинг ноласи сел бўлиб бутун қишлоқ кўчаларини ювиб кетаётгандек. Боғ бағридаги азим дарахтлар, сайроқи қушлар, гул-майсалар севиклисининг йўлларига зор-интизор кўз тикиб турган анави бағри қон бевага бош эгиб таъзим қилаётгандек».

«Яна баҳор келди. Яқиндагина униб чиққан ғўза ниҳоллари қуёшнинг заррин нурларида кўм-кўк мавжланади.. Узоқ-узоқлардан мунгли қўшиқ таралмоқда...

Бу рўйи заминда уни эшитадиган ҳеч зоғ қолмаган. Ҳамма ёққа оғир сукунат чўккан . Фақат шилдираб оқаётган Онасойнинг ожизгина саси ҳукмрон. Қадрдон сой саси...»

Бу саҳифаларни ўқир экансиз, ўша кечаги кун қатида ҳам нуроний тарих, мўйсафид Шарқ, инсон, миллат тақдирига эш, ҳамоҳанг чўнг бир дард ястаниб ётганлигини, чўнг дардчил бир армон яширинганлигини ҳис этасиз. Адиба ўз замонасини, асрий мазлум халқ дардини томошабинларча кузатиб қолмаган, балки ичдан таҳлил қилган. Ҳар гал воқеалар силсиласидан сабоқ қидирган ва улардан холис хулоса чиқазишга интилган.

Мутолаа давомида беихтиёр, давр тўфонида кўмилиб кетган зилол булоқларнинг аста-секин кўзи очилиб, улардан қон аралаш оби замзам сизиб чиқа бошлаганлигини ҳам қувонч, ҳам оғриқ билан ҳис қиламиз. Ватан мустақиллиги, эрк ва ҳурриятга нақадар интиқ яшаган не-не жабрдийда инсонлар тақдири кўз олдимиздан тизилишиб ўта бошлайди. «Эй Истиқлол, бор экансан-ку бу рўйи заминда, инсонлар Сенинг жамолингга зор бўлди. Шу кунларга етиб келишолмади".

Сўнгги саҳифаларни ўқир эканмиз (гарчи миллионмиллион бегуноҳларнинг, шаҳидларнинг оҳ-надомати, курбони эвазига келган бўлса-да), бугунги фараҳбахш кунларимизга шукроналик келтирамиз. Бу дунёдан кўзи очиқ кетган фуқароларини танигани, уларни ёмон кўзлардан асраб, кафансиз кетган қурбонларини оқ ювиб-оқ тараб олаётган она Ватан қаршисида бош эгиб таъзим қиламиз.

Муаллифнинг дастлабки йирик асари бўлганлиги учун эмас, балки адабиётнинг бугунги талаблари асосида «Излайин қаерлардан» асари ҳақида айрим мулоҳазаларимни билдиришни лозим, деб биламан.

Асарнинг айрим саҳифаларида баъзан қаҳрамонлар тийнати охиригача очилмай қолганини (Алиев образи, мевазор боғларнинг қисқариб бориши туфайли Ҳалимжонга ўтказилган тазйиқнинг сохтароқ чиққанлиги) инобатга олсак, у романдан кўра тарихий бадиага яқиндай туюлади. Ҳарқалай, асарни яна бир қайта кўриб чиқилса ёмон бўлмасди. Айрим жойларини қисқартиришга, бир қадар таҳрир қилишга тўғри келади.

Қиссани бобларга ажратиш зарур.

Халқимиз онгига маърифат зиёсини сингдириш, уларда умуминсоний фазилатларни камол топтиришдек олийжаноб туйғу билан суғорилган бу асар ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол, эл фаровонлиги, юрт тинчлиги йўлида курашишга қодир инсонлар бўлиб етишишларида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ғайбуллоҳ ас-САЛОМ

ШОКОЛАДГА... ТИЛЛА ЗИРАК

(Бўлган воқеа)

Кўп қаватли уйлар, чор-атрофда яна шундай бинолар қад ростламоқда. Тўпланишиб уйнаётган қизчаларнинг суҳбати қулоққа чалинади.

- Эсонмисиз, омонмисиз бугун бизга меҳмонмисиз?

- Меҳмонмиз, меҳмонмиз!

Меҳмон ва мезбонлар катта- кичик тошлар билан қурилган «уйча»га галма-галдан киришади. Ўртага пластмасса стол ўрнатилган бўлиб, «дастурхон» ўт-ўланлардан ясалган "егулик"лар билан тўла.

Қиз бола шайтонга дарс беради. Мастонгина бу қизалоқлар ҳам оналаридан кўрган-билганлари асосида ўзларини овунтиришар, бири қўйиб, бири гапирарди.

— Ҳой қизча, бери келгин!

— Қизалоқлар овоз эгаси – бақалоққина аёлга ўгирилиб қарашди. Унинг кўзлари олма-кесак терар, қандайдир ҳийлани амалга ошираётган каби қизчаларга бирма-бир бошдан оёқ қараб чиқмоқда эди.

— Бери келгин, асал қизим! - аёл шундай дея дўмбоққина қизчанинг қўлидан тутди.

Қизча бегона аёлга ётсираб қараб турди-да, қўлини тортди. Бундай вазиятда болани эркалаш «иш» беришини билган аёл уни тўдадан ажратиб олиш учун тилёғламаликка ўтди:

— Жудаям ширин қиз экансан-да! Менга қиз болласанми? Юр, магазиндан шоколад олиб бераман!

Болалар — шоколаднинг мафтуни. Қизча беихтиёр аёлга эргашди. Шериклари ҳам бундай «бахт»га эришиш учун уларга қўшилмоқчи бўлди. Лекин аёл: «Йўқ, сизлар қолинглар!» дея қизчаларни йўлдан қайтарди.

— Кўп шоколад обеясизми?

— Ҳм-м, фақат менинг айтганларимни қилсанг бўлди, жоним!

Аёл қизчанинг қўлидан етаклаб қурилиш кетаётган жойдан оралаб кетди. Дукон анча чеккада бўлгани учун қизча сабри чидамай, аёлдан сўради:

— Қачон етамиз?

— Ҳув ана, кўриниб қолди!

Аёл қизчага жойида қимирламай туришини тайинлаб, дуконга югуриб кетди. Шоколад ейишга орзуманда бола бетонга ўтириб олди. Турт ёнидаги қизча аёлнинг ўзига нисбатан кўрсатаётган муруввати замирида қандай манфаат ётганини билмас, ҳаёлида фақат шоколадни мазза қилиб паққос тушириш фикри чарх урарди.

Ҳаял ўтиб, аёл иккита шоколад билан қизчанинг рўпарасида пайдо бўлди.

— Мана, асалим!

— Раҳмат!

— Бунча ақлли бўлмасанг! Энди асалим, мен сенинг қулоқларингдаги зиракни ечиб оламан! Майлими?

Тилла ва оддий тақинчоқнинг фарқига етиб улгурмаган қизча шоколад билан овора бўлиб қолган, аёлга қаршилик ҳам кўрсатмас эди. Қизил кўзли мўъжазгина тилла зиракка эга бўлган аёл тезликда уни сумкасига солди.

— Хайр асалим, уйингларни топиб бора оласанми? Ҳув анави домнинг орқасида дугоналаринг уйнашяпти! Югур, уларнинг олдига.

Қизча хурсандлигидан ўзини қаерга қўйишини билмай, шоколадни қўлларида маҳкам тутиб, манзилига ошиқди. Эгнидаги калта, енгсиз чит куйлакда у узоқдан қўғирчоқни эслатар, йиғилган сочлари югурганида силкинмоқда эди.

Тилла зиракка осонгина эга бўлган хотин эса киши билмас қиёфага кириб, бекат сари юрди. Ў бу ерда яшамас, лекин шум ният билан шаҳарнинг мутлақо ўзига нотаниш мавзеларини кезиб чиқиб, тилла буюм ўғирлашда устаси фаранг бўлиб кетган эди.

Бундайларда иймон қайда, ор қайда?

У ўғирланган молларини арзон гаровга сотиб, тирикчилик қилади. «Қилган ишимни биров кўриб ўтирибдими» дея фикрлайди хотин. Аммо у Оллоҳнинг назаридан қочиб қутула оладими?

Соддагина қизчанинг онаси не куйга тушдийкан? Фалон сўм турадиган тилла буюм эди-я, афсус...

Тилла тақинчоқ — аёл кишининг кўрки! Яхшиси, уни ёш боланинг қулоғига тақманг! Асраб қўйинг, эсини таниганида тақар. Акс ҳолда ундан айрилиб, сўнгра қалбингизни пушаймон ўртамасин!

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА

V СПАРТАКИАДА ЯКУНЛАНДИ

Ёш авлодни соғломлаштириш Давлат дастурини амалга ошириш, ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш мақсадида Узбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги, Узбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Узбекистон Республикаси «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти ҳамкорликда «Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари» ўртасида спортнинг 15-тури бўйича V спартакиадасини ўтказди.

V спартакиаданинг дастлабки уч босқичи Республикамизнинг барча вилоятларида ўтказилди. Шулардан бири Самарқанд вилояти бўлиб, биринчи босқичда 77568 нафар, иккинчи босқичда 7150 нафар ўқувчи ва учинчи босқичда (финал) 3035 нафар ўқувчилар иштирок этдилар.

Республика V спартакиадаси якуний натижаларига кўра, Самарқанд вилояти барча спорт турларида иштирок этиб, Тошкент шаҳридан сўнг иккинчи ўринни қўлга киритдилар.

Самарқанд вилояти бундай ютуқларни қўлга киритишда, спорт турлари бўйича терма жамоа таркибига асосан туманлардан ўсмир ва қизларнинг жалб қилинишидир.

Кўпгина спорт турлари бўйича шахсий биринчиликдан ҳам туманлардан иштирок этган спортчилар яхши натижаларга эришдилар.

Бухороча кураш бўйича Ургут ва Пастдаргом туманлари, волейбол бўйича Пахтачи ҳамда Челак тумани ўсмирлари Самарқанд вилояти шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Шунингдек, футбол, бокс турлари бўйича ҳам вилоят терма жамоаси таркибида Оқдарё, Каттақўрғон, Иштихон, Нарпай туманларида ёш спортчилар иштирок этдилар.

Ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Вилоят V спартакиадаси якунига кўра, Нуробод, Ғузалкент ва Булунғур туманлари пастки ўринларда қолиб кетдилар. Бу туманларнинг мутасаддилари бундан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишсалар яхши бўларди.

М.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози



Сувни «Оби ҳаёт» дейдилар. Бу бежиз эмас. Сув борки наботот яшноқ, ҳайвонот тирик, жамики жон зоти ҳаёт. Фақат, бу тириклик сувининг қадрига ета билмоқ, уни эъзозламоқ лозим.

ОНАЛАРНИНГ УЛУҒ НИЯТИ

Гиёҳвандлик — бутун инсониятнинг муаммоси бўлиб қолаётир. Уни бартараф этиш борасида қатор чора-тадбирлар белгиланяпти. Ана шундай тадбирлардан бири Яккасарой туманидаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида ўтказилди.

Боғ ўртасида гиёҳвандликка қарши курашувчи воситалар - шиорлар, деворий газеталар ташкил қилиниб, суҳбатлар ўтказилди. Суҳбатларда маҳалла ёшлари, мактаб ўқувчилари ҳам иштирок этишди. Қувонарлиси, мазкур тадбирни уюштиришга туман хотин-қизлар бўлими бош-қош бўлди. Оналарнинг улуғ нияти эса бутун дунёни гиёҳванд моддалардан холи кўришдир.

Tadbir

Моҳлар РУСТАМОВА

Xullas...

АРОҚДАН ЎТ ЧИКДИ

Қиттак-қиттак отиб олган икки улфатнинг кайфияти зўр! Доминони суришди, ора-орада шишадаги "обизам-зам"га ҳам манзират қилиб туришди.

Молдавиянинг «Термоком» бирлашмасига қарашли пунктлардан бирида ишловчи бу икки чилангар кайфи ошиб қолгач, электр асбобини учиришни унутдилар. «Сменамиз тугади-ю, энди маза қилиб ухласак бўлади» дея хонани қулфлаб, чўзилишди.

Орадан кўп ўтмай, хонада қуюқ тутун кўтарилди. Ширин уйқуда ётган чилангарларни навбатчи уйғотди. Қаровсиз қолдирилган электр асбоби ёнғин келтириб чиқаришига бир баҳя қолган эди.

Хайриятки, фожиа рўй бермай, «айбдор»ларнинг нафаси бўғилиб, ширин оромлари бузилди, холос.

ЎЙНАШМАГИН АРБОБ БИЛАН...

Татаристон олий суди чиқарган ҳукмдан сўнг айбдор ёш бола сингари ҳунграб йиғлаб юборди. «Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан» деган мақол бу воқеага мос тушади.

Телефонда кимдир навбатчи милиция ходимига таҳдид қилди: «Икки минг доллар пул, 25 минг рубл ва Макаров пистолетини муҳайё қилмасанг, жонингдан умидингни узавер!».

Илгари қўпорувчилик ҳаракати билан судланган бу шахснинг «буйруғи» тезкор гуруҳ томонидан қабул қилинди ва улар бир лаҳзадаёқ у айтган жойда «заказ» қилинган нарсалар билан ҳозир бўлишди. Уз душманларини пистолетда отмоқчи бўлган жиноятчи жойида қотиб қолди. Қурол ўқсиз эди... Милиция ходимлари эса аллақачон уни ўраб олишганди.

Суд уни 8 йилга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди. Милиция ходимларини лақиллаттани учун эса икки минг рубл жарима ҳам тўлади.

Энди эса у ўпкаси тўлиб йиғламоқда. Аммо ким ҳам бу «ҳазилкаш»га раҳм-шафқат қиларди?

ИЗЗАТТАЛАБ ЖЎЖАЛАР

Ульяновск вилоятининг Теренгульск туманидаги паррандабоқарлар олдида муаммо пайдо бўлди: яқинда тухумдан чиққан жўжалар нимагадир ўз асл қиёфаларини йўқотиб боришар, бирбирларига чанг солишарди.

Вилоят ветеринария бошқармасининг мутахассислари жўжалардаги пат тўкилишга А ва Д витаминларнинг етишмаслигини сабаб қилиб кўрсатишмоқда. Бунинг учун уларга кул сочиш, бўр едириш керак. Баъзан гўшт билан ҳам сийлаш лозим.

Ҳа, биз тухуми ва парҳез гўштини иштаҳа билан тановвул этадиган товуқнинг шу каби инжиқликлари кўп...

ИБОДАТХОНАГА 8 КИЛО ПУЛ

Риганинг Даугавпилс шаҳридаги Александр Невский ибодатхонасига мункиллаб қолган кампир бир қоп пул билан кириб борди. У бу пулларни кор ҳолимга яраб қолар, деб йиққан эди. Тасодифан онахон кўриш қобилиятини йўқотди. Шу туфайли у пулларни худо йўлига хайр-садақа қилмоқчи.

Дарвоқе, ибодатхона 60-йиллардан бери таъмирталаб эди. Эндиликда уни созлашмоқда. Кампирнинг жамғармаси ҳам бунга ҳисса бўлиб қўшилиши аниқ. Пулни тарозида тортиб кўришганда 8 кило эди, ҳисоби эса ҳозирча аниқ эмас.

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

УМИДИМИЗ КАТТА

Шу йилнинг 24 июнь куни Хитойнинг Чинду шаҳрида дзюдо бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бошланди. Ушбу беллашувларда юртимиз шарафини 8 нафар дзюдочиларимиз ҳимоя қилмоқдалар. Вакилларимизнинг бу мусобақадан умидлари катта. Жаҳон миқёсидаги бир қанча нуфузли турнирларда зафар қуча олган спортчиларимиз Осиё кучлилари шоҳсупасига кўтарилишса ажаб эмас.

«РОТОР»ДАН «БОХУМ»ГА

Бир неча мавсумлардан бери Россия миллий чемпионатида тўпурарлар рўйхатидан юқори ўринларни эгаллаб келаётган Волгограднинг «Ротор» клуби ҳужумчиси Олег Веретенников билан Олмониянинг «Бохум» жамоаси астойдил қизиқиб қолган. «Киккер» журналининг хабар беришича, янги мавсумдан бошлаб Олег«Бохум» жамоаси таркибида Олмония чемпионатининг 1 дивизионида тўп суради.

БИР ОЧКО ЕТМАЙ ҚОЛДИ

Италиянинг Милан шаҳрида мерганлик бўйича ўтказилган жаҳон кубоги баҳсларининг учинчи босқичида 74 та мамлакатнинг энг моҳир мерганлари иштирок этдилар. Ҳар бир машқда 120-130 нафар спортчи қатнашган ушбу мусобақада ҳамюртимиз Дилшод Мухторов ўзининг МП-6 машқида иштирок этиб, жами 562 очко жамғарди. Бу эса бешинчи ўрин дегани эди. Дилшодга Олимпиа ўйинларига йўлланма олиш учун атиги 1 очко етмай қолди.

ЖАМОАЛАР КАМАЙМОҚДА

Шу йил 12 июл куни бошланадиган футбол бўйича Украина миллий чемпионатида энди 16 жамоа қатнашадиган бўлди. 2000-2001 йилги мавсумда эса уларнинг сони 14 тага тушади. Бу биринчидан, чемпионат савиясини кўтариш мақсадида қилинган бўлса, иккинчидан, иқтисодий сабабларга кўра, баъзи жамоалар ночор аҳволга тушиб қолганликлари туфайли шундай бўлади.

БАЛЛИ, ЙИГИТЛАР

1999 йил мамлакатимиз профессионал спортчилари учун том маънода муваффақиятли бўлмоқда. Жаҳон, Осиё чемпионатларида спортчиларимизнинг қўлга киритаётган ютуқларида юртимиз каратэчилари ҳиссаси катта. Шу йили 26 - 27 июнь кунлари ўтказилган анъанавий «Самарқанд кубоги» халқаро мусобақасида ҳамюртларимиз Қирғизистон, Қозоғистон ва Россиядан келган каратэчилар олдида ўз маҳоратларини жуда яхши намойиш қила олдилар.



«МАТБУОТ ҲИКМАТЛАРИ» МУАММОНОМАСИ

Азиз муштарий! Аввало қуйида таърифлари баён этилиб, рақамларда ифодаланган, мамлакатимиз матбуотига оид нашрларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг «Инсонга бахт келтириш бахт!» шиори билан нашр этилаётган газета – 1, 18, 4, 6, 16.

2. Ўзбек, рус ва қозоқ тилларидаги нашр – 20, 13, 19, 3.

3. Жадидлар миллий даврий нашрлар фаолиятини ташкил этишда тажрибасини ўрганиб фойдаланган маърифатчи Исмоилбек Гаспирали муҳаррирлигида чиққан татар тилидаги газета – 3, 2, 9, 15, 5, 7, 4, 6.

4. Сиёсий партиялардан бирига мансуб нашр – 17, 2, 3, 2, 6.

5. Йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмидан нашр этилган журналлардан бири – 2, 8, 2, 6, 11, 2.

6. Ўзбек газета публицистикасининг илк намояндаларидан бири, тилшунос олим, тарихчи, маърифатпарвар шоир – 1, 10, 9, 2, 3.

7. "Эзгулик маънавият қуёшидир" шиори билан 1998 йилдан нашр этилаётган ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газета – 12, 2, 20, 9, 1, 14, 3.

Энди очқич жавоблари асосида шаклдаги рақамларни таллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ечинг. Ундан йўналиш бўйича матбуот ва унинг ижодкорларига оид ибратли сўзларни билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди

ЖУРНАЛИСТЛАР МАЗА ҚИЛИШДИ

Бир шариф зот «ҳар кунимиз байрам бўлсин» деган экан. Куни кеча пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги боғда ҳукм сурган кўтаринкилиги хушнуд кайфият, болаларнинг қийчувию катталарнинг болаларча завқини кўриб, "ҳар кунлик байрам ўз ўйлигаку-я, бир кунлиги ҳам кўп татимли бўлади" деган хаёл чамбаргулчин имзоси билан юрагимизда муҳр топди. Дарвоқе, бу ерда матбуот ва ахборот воситалари ходимлари ўз касб байрамларини нишонлашди. Ўзи ижодкордай серҳаяжон, кўнгли тубида жўш урган туйғуси юзида «ялт» этиб зуҳур топгувчи халқ камдан-кам топилади. Очиғи, ўша куни боғда минглаб чеҳралардан тошиб чиқаётган қувонч уммонига чўмилиб юрдик.

Айниқса, болаларни айтмайсизми?! Тўғри, улар бугун отаоналарининг, ака-укаларининг байрамлари эканлигини камол топаётган фаҳмларига сиғдиролмаган бўлишлари мумкин. Бироқ, карнай-сурнай, куй-қўшиқ садолари, хархашасиз олиб берилаётган музқаймоғу ширин-ширин ичимликлар, турли - туман от ўйинларида учишлардан «бугун бир ўзгача кун бўлса керак» деган фикрга келганлари рост.

Хуллас, бир ажойиб кун бўлди, шу кун.

"Дар қатори ёрон" (F.Ғулом таъбири) деганларидай, боғни тўлдирган қувончу завқ-шавқнинг бир бўлаги «Маърифат« газетаси жамоасига ҳам тегишли. Аҳли жамоанинг бўйдоқ йигитлари қизларнинг, рўзғор дошқозонига тушганлари болаларининг қўлидан етаклаб, ҳар бири ўзининг қаричи билан байрамнинг болини тотишди.

Совғасиз байрам мокисиз бўзчи, кетмонсиз сувчи, боринг ана этсиз тирноқ дегандай гап. Кўп совғалар бўлди. Жумладан, «Маърифат»чилар ҳам қуруқ қолишмади. Уларга халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й.Саиджонов, Давлат тест марказининг раҳбари М.Муҳиддиновлар каттакичик совғаларини топширишди.

Алоҳа, матбуотчилар маза қилишди. Бир мазаки, 2000 йилнинг 27 июнигача татигулик.

Асқар ШОКИР

QUTLOV

Ҳурматли Дилором Акромова!

Сизни 36 баҳорни қаршилаганингиз муносабати билан қутлаймиз. Таълим-тарбия борасида амалга ошираётган эзгу ишларингизга ривож тилаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб қолувчи

Турмуш ўртоғингиз Иброҳим, укангиз Шавкатжон, синглингиз Нилуфархон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

Тошкент Давлат техника университети

РЕСПУБЛИКА МИЛЛИЙ-ЛИЦЕЙ ИНТЕРНАТИ

1999-2000 ўқув йили учун танлов асосида қабул эълон қилади.

Республика миллий лицей-интернатига умумтаълим ва махсус мактабларнинг 9-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилари ҳамда техника соҳасига қизиққан иқтидорли ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади. Ҳужжатлар 10 июндан 31 июлгача қабул қилинади ва тест синовлари математика, физика, она тили ва адабиёти фанларидан 1-10 августгача бўлиб ўтади. Лицей-интернатда математика, физика, информатика, кимё ва инглиз тили фанлари махсус дастур асосида чуқур ўргатилади. Республика, вилоят олимпиада ғолиблари, халқаро олимпиада иштирокчилари лицей-интернатга танловсиз қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 700095, Талабалар шаҳарчаси, ТошДТУ 53-ётоқхонаси. телефонлар: 46-69-02, 46-08-78

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0457. Тиражи 47.450. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди — 21.30.